

**ШОДМОНОВ Шерқул,**

Тошкент давлат иқтисодиёт университети «Иқтисодиёт назарияси» кафедраси профессори, иқтисод фанлари доктори;

**АБДУЛЛАЕВА Мадина Камиловна,**

Тошкент давлат иқтисодиёт университети «Иқтисодиёт назарияси» кафедраси доценти, иқтисод фанлари номзоди;

**МАМАРАХИМОВ Бекзод Эркинович,**

Тошкент давлат иқтисодиёт университети «Иқтисодиёт назарияси» кафедраси доценти, иқтисод фанлари номзоди

# ИҚТИСОДИЁТНИ ТАРКИБИЙ ЎЗГАРТИРИШ ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ХАРАЖАТЛАРИНИ ПАСАЙТИРИШ МАҚСАДИДА ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ЭТИШ

УДК 338.58

**ШОДМОНОВ Ш.Ш., АБДУЛЛАЕВА М.К., МАМАРАХИМОВ Б.Э. ИҚТИСОДИЁТНИ ТАРКИБИЙ ЎЗГАРТИРИШ ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ХАРАЖАТЛАРИНИ ПАСАЙТИРИШ МАҚСАДИДА ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ЭТИШ**

Мақолада миллий иқтисодиётни ривожлантиришда республикамизда олиб борилаётган инвестиция сиёсати билан бир қаторда иқтисодиёт тармоқларини модернизация ва диверсификация қилишнинг зарурлиги ёритилган. Инвестиция маблағлари самарадорлигини аниқлаб берувчи кўрсаткичлар орасида ICOR кўрсаткичи динамикаси таҳлил қилинган. Таркибий ўзгаришларни янада чуқурлаштириш асосий жиҳатлари кўрсатиб берилган.

Таянч иборалар: таркибий ўзгаришлар, инвестиция маблағлари, инвестицияларни молиялаштириш, инвестиция маблағлари самарадорлиги, инвестиция ўсиш даражаси, диверсификациялаш, модернизация, иқтисодиёт тармоқлари.

**ШОДМОНОВ Ш.Ш., АБДУЛЛАЕВА М.К., МАМАРАХИМОВ Б.Э. ПРИВЛЕЧЕНИЕ ИНОСТРАННЫХ ИНВЕСТИЦИЯ В ЦЕЛЯХ УМЕНЬШЕНИЯ ПРОИЗВОДСТВЕННЫХ ИЗДЕРЖЕК И СТРУКТУРНЫХ ИЗМЕНЕНИЙ ЭКОНОМИКИ**

В статье рассматривается инвестиционная политика как основа модернизации и диверсификация национальной экономики. Рассмотрены показатели определяющие эффективность инвестиционных средств, а так же проанализирован показатель ICOR. Приводятся особенности развития структурных преобразований в Республике.

Ключевые слова: структурные преобразования, инвестиционные средства, финансирование инвестиций, эффективность инвестиционных средств, уровень роста инвестиции, диверсификация, модернизация, отрасли экономики.

**SHODMONOV SH.SH., ABDULLAEVA M.K., MAMARAHIMOV B.E. ATTRACTING FOREIGN INVESTMENT TO DECREASE PRODUCTION COSTS AND STRUCTURAL CHANGES OF THE ECONOMY**

The article considers investment policy as the basis for modernization and diversification of the national economy. The indicators determining the effectiveness of investment funds are analyzed, and the ICOR indicator is analyzed. Specific features of the development of structural transformations in the Republic.

Key words: structural transformation, investment funds, investment financing, investment funds efficiency, investment growth level, diversification, modernization, economic sectors.

**Аҳоли ва тадбиркорларни ўйлантираётган долзарб масалаларни ҳар томонлама ўрганиши, амалдаги қонунчиллик, ҳуқуқни қўллаша амалиёти ва илғор хорижий тажрибани таҳлил қилиши – бугунги кундаги энг долзарб масалаларидан биридир.**

Кенг жамоатчилик муҳокамаси натижасида ишлаб чиқилган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг III йўналиши:

- иқтисодиётни янада ривожлантириш ва либераллаштиришга йўналтирилган макроиктисодий барқарорликни мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш;
- миллӣ иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш;
- қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш;
- иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш бўйича институционал ва таркибий ислоҳотларни давом эттириш;
- хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва унинг устувор мавқеини янада кучайтириш;
- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини рағбатлантириш;
- ҳудудлар, туман ва шаҳарларни комплекс ва мутаносиб ҳолда ижтимоий-иктисодий тараққий эттириш;
- инвестициявий муҳитни яхшилаш орқали мамлакатимиз иқтисодиёти тармоқлари ва ҳудудларига хорижий сармояларни фаол жалб этиш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Ушбу вазифаларни ўз вақтида самарали ҳал этишни иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб қилишни тартибга солиш ва рағбатлантириш механизmlарини янада тақомиллаштириш масалаларини қамраб олувчи чора-тадбирлар орқали таъминлаш мумкин. Шунинг учун, бугунги кунда

республикамизда олиб борилаётган инвестиция сиёсати, яъни иқтисодиёт тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш учун хорижий инвестицияларни жалб қилиш жараёнини фаоллаштириш йўлларини ишлаб чиқиш долзарб масала бўлиб қолмоқда.

Белгиланган бундай вазифаларни самарали ҳал этиш ушбу тармоқларга инвестицияларни, шу жумладан чет эл инвесторларини жалб этишни кенгайтириш ва улардан самарали фойдаланишни ташкил этишни талаб этади. Булар мамлакатимизда ҳозирги кунгача давом этиб келаётган таркибий ўзгартаришларни мантиқий давоми сифатида Ўзбекистон иқтисодиётини барқарор ривожланишида муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.


Маълумки, мамлакатимиз иқтисодиётида таркибий ўзгартаришларни амалга ошириш ва унинг учун инвестициялар жалб этиш, шу жумладан, хорижий инвестицияларни, айниқса, тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этишга ислоҳотларнинг дастлабки босқичларидан бошлаб катта эътибор қаратиб келинмоқда.

Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг 2015 йил давомида иқтисодиётнинг тармоқларидағи инвестиция лойиҳаларини биргалиқда молиялаштиришга йўналтирилган маблағлари 1871,5 млрд. сўмни ташкил этди. Шу билан биргага жамғарма маблағлари ҳисобидан ўзлаштирилган инвестициялар ҳажми 2014 йилга нисбатан 34,6 фоизга ошган<sup>2</sup>.

Ҳукумат кафолати остидаги чет эл инвестициялари ва кредитлари ўзлаштирилган инвестицияларнинг умумий ҳажми 2015 йилда 4,7 фоизни

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» 2017 йил 7 февраль, ПФ-4947-сон

<sup>2</sup> Манба: [www.stat.uz](http://www.stat.uz) - Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси расмий сайти маълумотлари

**1-расм. ЯИМдаги асосий капиталга инвестицияларулуши ва ўсиш суръатлари (%)**

ташкил этди. Түғридан-түғри чет эл инвестициялари ва кредитларининг ўсиш суръатлари ўтган йилга нисбатан 6,5 фоиз бўлиб, 5339,1 млрд. сўмни ташкил этди<sup>1</sup>.

Тижорат банкларининг 2015 йилда инвестиция мақсадларида йўналтирилган кредитлари 4760,0 млрд. сўмни ва капитал қўйилмаларнинг умумий таркибида ички кредитлар улуши 2015 йилдаги 11,0 фоиз ўрнига 11,7 фоизни ташкил этди<sup>2</sup>.

Асосий капиталга қўйилган инвестиция маблағлари ҳажмида саноат ишлаб чиқаришига йўналтирилган инвестициялар ресурслар улуши йиллар бўйича ўзгариб борган (1-жадвал).

Гарчи, жадвал маълумотларида саноат ишлаб чиқаришнинг ялпи капитал маблағлардаги улушкининг кейинги йилларда нотекис ўсиши кузатиладётган бўлса-да, унинг мутлақ ҳажми юқори ўсиш тенденциясига эга. Бу нафақат ички маблағлар ҳисобига, балки хорижий инвестициялар таъсирда ҳам юз берган. 2015 йилда асосий капиталга қўйилган жами инвестицияларнинг 21,1 фоизини хорижий инвестициялар ва кредитлар ташкил

қилди. Уларнинг 73,8 фоизи тўғридан-тўғри хорижий инвестициялардир<sup>3</sup>.

Мамлакат иқтисодиётини, хусусан, ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва иқтисодий ўсишга эришишда, инвестиция маблағларидан оқилона фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Бу эса ўз ўрнида мамлакат ички ва ташки инвестиция маблағларининг иқтисодиёт сектори бўйича тақсимотида тўғри йўналишни белгилаб олишни тақозо этади. Шу нуқтаи назардан, мамлакат иқтисодиётига йўналтирилган инвестиция маблағлари самарадорлигини аниқлаш мақсадга мувофиқдир.

Ўтган йиллар мобайнида чет эл валюталарида жалб этилган жами инвестициялар ҳажми ўсиб бориш тенденциясига эга. Буни қуйидаги маълумотлардан кўриш мумкин (2-жадвал).

Инвестиция маблағлари самарадорлигини аниқлаб берувчи кўрсаткичлар ва уларнинг тизимлари турлича. Улар ичида ҳисобланиши нуқтаи назаридан қулай бўлган ICOR кўрсаткичидир. Ундан мамлакатимиз иқтисодиётига, умуман, реал секторга йўналтирилган инвестициялар самарадорлигини аниқлашда фойдаланиш мумкин.

Ушбу кўрсаткич (коэффициент) асосий капиталга қўйилган маблағлар, яъни ЯИМдаги инвестициялар салмоғининг, кейинги йилдаги ЯИМнинг

<sup>1</sup> Манба: Ўзбекистон рақамларда 2015. Статистик тўплам. Ўзбекистон Республикаси давла статистика қўмитаси Тошкент-2016.

<sup>2</sup> Манба: Ўзбекистон рақамларда 2015. Статистик тўплам. Ўзбекистон Республикаси давла статистика қўмитаси Тошкент-2016.

<sup>3</sup> Манба: Ўзбекистон рақамларда 2015. Статистик тўплам. Ўзбекистон Республикаси давла статистика қўмитаси Тошкент-2016.

**1-жадвал. Асосий капиталга йўналтирилган инвестицияларнинг тармоқ таркиби динамикаси (%)<sup>1</sup>**

| Кўрсаткичлар               | Йиллар |      |      |      |      |      |      |      |      |
|----------------------------|--------|------|------|------|------|------|------|------|------|
|                            | 2000   | 2005 | 2009 | 2010 | 2011 | 2012 | 2013 | 2014 | 2015 |
| Жами                       | 100    | 100  | 100  | 100  | 100  | 100  | 100  | 100  | 100  |
| Ишлаб чиқариш              | 57,5   | 63,1 | 65,1 | 73,8 | 69,3 | 66,6 | 66,8 | 66,5 | 65,4 |
| Саноат                     | 29,7   | 38,9 | 28,4 | 24,9 | 29,9 | 29,5 | 30,7 | 37,4 | 40,9 |
| Қишлоқ хўжалиги            | 5,7    | 5,5  | 4,4  | 3,5  | 4,8  | 4,1  | 4,2  | 4,1  | 3,3  |
| Курилиш                    | 0,5    | 0,6  | 0,4  | 2,5  | 1,6  | 1,9  | 1,9  | 2,3  | 2,5  |
| Транспорт ва алоқа         | 16,7   | 14,0 | 21,7 | 29,7 | 20,2 | 18,2 | 17,4 | 11,9 | 9,0  |
| Савдо ва умумий овқатланиш | 4,3    | 1,5  | 3,4  | 1,7  | 1,5  | 1,8  | 1,8  | 5,6  | 5,5  |
| Бошқа соҳалар              | 0,6    | 2,6  | 6,8  | 11,5 | 11,8 | 11,1 | 10,8 | 5,2  | 13,2 |
| Ноишлаб чиқариш            | 42,5   | 36,9 | 34,9 | 26,2 | 30,7 | 33,4 | 33,2 | 33,5 | 34,5 |

**2-жадвал. Ўзбекистон иқтисодиётига киритилган хорижий инвестициялар ва кредитлар ўзгариши динамикаси<sup>2</sup> (млрд. сўм)**

| Кўрсаткичлар  | Йиллар |        |        |        |        |        | 2015 йилда<br>2010 йилга<br>нисбатан, % |
|---|--------|--------|--------|--------|--------|--------|---|
|   | 2010   | 2011   | 2012   | 2013   | 2014   | 2015   |   |
| Марказлаштирилган хорижий инвестициялар ва ҳукумат кафолати билан олинган кредитлар | 562,55 | 705,0  | 984,0  | 1216,5 | 1479,0 | 1909,6 | 339,5                                   |
| Марказлаштирилмаган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кредитлар               | 3778,4 | 3108,6 | 3792,3 | 4379,1 | 5339,1 | 6273,1 | 166,0                                   |
| Жами хорижий инвестициялар ва кредитлар   | 4340,9 | 3813,6 | 4776,3 | 5595,6 | 6818,1 | 8182,7 | 188,5                                   |
| Ҳамма инвестицияларга нисбатан  | 28,3   | 21,8   | 21,6   | 20,3   | 20,2   | 20,1   | X                                       |

кўшимча ўсиш суръатига нисбатини билдиради, яъни:

$$\text{ICOR} = I / \Delta \text{YIM}$$

бу ерда, **I** - инвестиция ўсиш даражаси (YIM даги салмофи);

**ΔYIM** - ялпи ички маҳсулотнинг йиллик ўсиш даражаси.

ICOR кўрсаткичи қиймати қанчалик кичик бўлса, у шунчалик аҳамиятли (ижобий) ҳисобланади.

Ўзбекистон иқтисодиёти учун ICOR кўрсаткичини ҳисоблаш натижаларини қўйидаги 3-жадвал орқали кўриш мумкин. Бу кўрсаткич 2002-2003 йилларда катта қийматга эга бўлган. У

2004 йилдан 2010 йилгача камайиб борган. 2010 йилдан жаҳон молиявий-иктисодий инқирози таъсири билан инвестиция жалб этиш бироз қийинлашган.

Шу билан бирга охирги йилликда республикада ялпи ички маҳсулотнинг кўшимча ўсиш суръатлари аста-секин кўтарилиб бориши натижасида ICOR кўрсаткичи 2011-2015 йиллардан яна пасайиб бориш тенденциясига эга. Бу мамлакатимизга жаҳон инқирозидан кейин яна инвестициялар киритиш самарали эканлигини кўрсатади.

Хорижий инвестициялар учун яратилган шартшароитлар мамлакатимиз иқтисодиётига жалб этилаётган инвестициялар ҳажмини йилдан-йилга кўпайиб боришига имкон бермоқда.

Бизнинг фикримизча, таркибий ўзгаришларни янада чуқурлаштиришда асосий жиҳатлар қўйидагиларга қаратилиши лозим:

Биринчидан, устувор саноат тармоқларини ҳар бир ҳудудлар бўйича ривожлантириш ва бу

<sup>1</sup> Манба: Ўзбекистон иқтисодиёти. Ахборот-таҳлилий бюллетењ 2015 й. –Т.: ИТМ, 2015.; Йиллик статистик тўплам. ЎЗР Давлат статистика қўмитаси. –Т., 2016.

<sup>2</sup> Манба: Ўзбекистон иқтисодиёти. Ахборот-таҳлилий бюллетењ 2015 й. –Т.: ИТМ, 2016. –Б. 15.

**З-жадвал. Ўзбекистон иқтисодиёти учун ICOR кўрсаткичларининг ўзгариш динамикаси<sup>1</sup>**

| Йиллар | Ялпи инвестициянинг ЯИМдаги улуши (%) | ЯИМнинг ўсиш суръати, (%) | ICOR коэффициенти |
|--------|---------------------------------------|---------------------------|-------------------|
| 2000   | 22,9                                  | 3,8                       | -                 |
| 2001   | 26,8                                  | 4,2                       | 5,4               |
| 2002   | 19,3                                  | 4,2                       | 6,4               |
| 2003   | 19,3                                  | 4,4                       | 4,4               |
| 2004   | 20,3                                  | 7,7                       | 2,5               |
| 2005   | 19,8                                  | 7,0                       | 2,9               |
| 2006   | 19,5                                  | 7,3                       | 2,7               |
| 2007   | 19,4                                  | 9,5                       | 2,1               |
| 2008   | 22,4                                  | 9,0                       | 2,2               |
| 2009   | 26,1                                  | 8,1                       | 2,7               |
| 2010   | 24,9                                  | 8,5                       | 3,1               |
| 2011   | 23,5                                  | 8,2                       | 3,0               |
| 2012   | 22,8                                  | 8,0                       | 2,9               |
| 2013   | 23,2                                  | 8,1                       | 2,7               |
| 2014   | 23,3                                  | 8,1                       | 2,6               |
| 2015   | 23,8                                  | 8,0                       | 2,8               |
| 2016   | 24,8                                  | 7,8                       | 3,1               |

саноат тармоқларининг аутсорсинг тизими билан мувофиқ ҳолда ишлашини таъминлаш;

Иккинчидан, ишлаб чиқариш инфратузилмалари: инженер коммуникация тизими, транспорт ва алоқа тармоқларини ривожлантиришда экологик жиҳатларига эътиборни қаратиш;

Учинчидан, ҳудудий номутаносибликларни бартараф этиш, ишлаб чиқариш қувватларини тўғри тақсимлаш ва иқтисодий яхши ривожланмаган ҳудудларда табиий ва ишчи кучи ресурсларидан комплекс фойдаланишни таъминлаш.

Ўзбекистонда олиб борилаётган ҳар томонлама асосланган инвестиция сиёсати мамлакатдаги инвестция муҳитига ижобий таъсир этиши билан бирга инвестициялар киритиш объектларини жозибадорлигини ҳам оширмоқда. Булар, ўз навбатида, ишлаб чиқаришни модернизация ва диверсификация қилишга барча молиялаштириш манбаларидан келадиган инвестициялар ҳажмини ўсиб боришини таъминламоқда.

### Адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» 2017 йил 7 февраль, ПФ-4947-сон
2. Ўзбекистон иқтисодиёти. Ахборот-таҳлилий бюллетенъ 2015 й. –Т.: ИТМ, 2015.
3. Йиллик статистик тўплам. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси. –Т., 2016.
4. Ўзбекистон рақамларда 2015. Статистик тўплам. Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси Тошкент-2016.
5. [www.stat.uz](http://www.stat.uz) - Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси расмий сайти.

<sup>1</sup> Манба: [www.stat.uz](http://www.stat.uz) - Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси расмий сайти маълумотлари асосида муаллифлар томонидан ҳисобланган.